

АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МУСТАҚИЛ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Куденов Темурбек Махсетбаевич

ўқитувчи, Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Математика фанидан мустақил билиш фаолияти жараёни ва унинг билиш фаолиятига айланиши, айниқса, олий таълимда таҳсил олувчи талабалар томонидан амалга оширилиши, математика фанининг тадқиқот предметиға ижтимоий воқелиқдир.

Билиш фаолияти янгиликка интилиш тамойилиға асосланганлиги туфайли бир даврнинг ўзида вужудға келадиган яхлит воқелиқ (ходиса)нинг икки ажралмас қирраси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз жараёнида “Мустақил билиш фаолияти” тушунчаси атрофлича ўрганилиб ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни ишлаб чиқдик. Бизнингча “мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш жараёнида бўлғуси мутахасислардан ўз билимларини мустақил кенгайтириш малакаларини ривожлантириш, бунинг учун эса, турли ахборот манбалари билан ишлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, муайян хулосаларға келиш, ўз нуқтаи назарини шакллантириш каби муҳим сифатларни ҳам таркиб топтириш мумкин. Бунинг натижасида бўлғуси математикларда ижодий конструктив фаолият кўникмалари таркиб топади”

Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш натижасида талабаларнинг билимларни фаол ва онгли ўзлаштиришларини таъминлаш, шунингдек, уларни касбий фаолиятға кенг тайёрлаш, ҳаётий мақсадларининг аниқ ва тўғри шаклланишиға эришиш мумкин.

XXI asr – intellektual salohiyat asri бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг математика фанидан билиш фаолиятини шакллантиришнинг ва узлуксиз ривожлантириб боришнинг мақсади, вазифалари шакллари, методларини илмий педагогик асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо этмоқда. Ушбу муоммонинг ечилиши талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш, уларда математик билимни эгаллаш фаоллиги, мустақил билим эгаллаш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ.

Талабалар томонидан амалга ошириладиган математика фанидан мустақил билиш фаолияти жараёнини тадқиқ қилиш бўйича турли қараш ва илмий ёндашишлар мавжуд бўлиб, уларнинг қарашлари турлича бўлиб, билиш фаолиятининг самарадорлигига алоқадор масалаларга кўпроқ аҳамият берилган.

Олий таълим тизимида мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш талаблари олий даражада тайёргарликка эга бўлишлари керак. Бу – давр ва жамият талаби.

Мутахассислик тайёргарлиги жараёнида билим олиш билан бирга махсус малакаларни эгаллаши ҳамда ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтказиладиган математика фанидан дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил билиш фаолияти катта аҳамиятга эга. Айниқса ҳозирги даврда бир томондан ахборот миқдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан маълумотлар билан ишлаш манбалари ҳам кўпайиб бормоқда.

Математика фанидан мустақил ишлар самарали бўлиши учун талабалар қуйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш шахснинг ўз интеллектуал имкониятларининг кенгайтиришида муҳим ўрин тутушини;
- мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш, улар дунёқарашини, математик тафаккур тушунчаларини кенгайтиришини англашлари даркор.

Мустақил билиш фаолиятини такомиллаштиришда талаба ахборотнинг асосий қисмини мустақил ўзлаштиради. Шунинг учун талабаларга мустақил билиш фаолиятини тўғри режалаштиришда ва иш вақтини унумли ташкил қилишда ёрдам бериш зарур.

Талабаларда мустақил билиш фаолиятини такомиллаштиришни нимадан бошлаш кераклигини, мақсад қандай қўйилишини, шунингдек, иш қанча давом қилиши ва уни қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчалар аниқ шакллантирилади. Муваффақиятга эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Талаба ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши учун фаолиятни пухта режалаштириши керак. Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича тақсимлайди.

2. Мустақил билиш фаолиятини бажариш муддатини аниқ белгилаб олади. Мустақил билиш фаолиятини бажариш учун вақтни семестр бўйича тақсимлаш керак бўлади.

Амалий фаолият натижалари тахлили шуни кўрсатадики, мустақил билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бу – реферат ҳисобланади. Талаба реферат мазмунида ўрганилаётган бирор мавзу моҳиятини кенг ёритиши лозим.

Математика фанидан ёзилган рефератни мукамал тайёрланиши учун ўқитувчи талабага муайян адабиётларни тавсия қилиши керак. Рефератни бирданига ёзиб бўлмайди. Матнни тайёрлаш учун аввал адабиётларни кўриб чиқиб, режа тузиши ва ёза бошлаши керак бўлади. Бунинг натижасида талаба ўз фикри, ғоясини ифодалашни ўрганади.

Математика фанидан мустақил билиш фаолияти мавзуси фақат дарслик доирасидагина эмас, балки қўшимча адабиётлар – газета, журнал мақолаларидан ҳам фойдаланиб, ёзиши мумкин. Агар бирор муаллифнинг фикри мавзунини ёритиши алоҳида аҳамиятга эга бўлса, шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олиниб, изоҳ

берилади, рақамланади ва манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллифнинг исми-шарифи, асар номи, нашриёт, нашр қилинган йили ҳамда нечанчи саҳифада эканлиги ҳам кўрсатилади.

Кўтарилган математик масалалар бўйича матндан келиб чиқиб билдирилган хулосалар ишнинг кадр-қимматини оширади, талабанинг мавзуни чуқур билишидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради. Унда муайян мавзу ёритилиши билан бирга, тегишли илмий назариялар, хулосалар келтирилиши ва танқид қилиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ўрганилган барча адабиётлар кўрсатилади. Асарнинг газета, журнал мақолалари, монография, тўплам, муаллифнинг исми-шарифи тўлиқ ёзилади, мақола ва бошқалар тўлиқ келтирилади, нашриёт ва нашр йили ҳамда газета-журналнинг йили ва сони ҳам кўрсатилади.

Талабалар мустақил-тадқиқот ишларини ҳамкорликда кичик гуруҳларда ташкил қилиш яхши натижаларни беради. Мустақил-тадқиқот ишларини ташкил қилишдан мақсад-талабаларда таълимга нисбатан қизиқишни ошириш, билимларни муайян ҳаётий, касбий фаолиятда қўллаш малакаларини шакллантиришдан иборат. Талабалар математик муаммо бўйича ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб борадилар ва аниқ натижаларни қўлга киритадилар.

Ўрганилиши керак бўлган математик муоммолар талабалар учун долзарб, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши лозим.

1. Ҳар бир талабани фаол таълимий жараёнга жалб қилиш, ўзлаштирган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олиш малакаларини шакллантиришига эришиш лозим. Энг муҳими, талаба эгаллаган математик билим ва малакаларини айнан қаерда ва қандай қўллаши мумкинлигини аниқ билиши керак.

2. Турли математик муоммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш жараёнида талабаларнинг ўзаро мулоқот маданиятини шакллантиришга эътибор қаратиш керак.

3. Талабаларда муайян математик муаммони ҳар томонлама тадқиқ қилиш, ушбу масала хусусида илмий-амалий асосланган мустақил фикрга эга бўлиш мақсадида университет, республика ёки дунё миқёсидаги илмий, маданий ахборот марказлари имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий технологиялар // Педагогик таълим. – Тошкент: 2005. – №. 6. – Б. 15-17.

2. Жўраев Р., Саматов Ғ., Қаршибоев Ҳ. Замонавий информацион ва педагогик технологиялар асосида табиий фанларни ўқитиш //Халқ таълими. – Тошкент: 2002. – №1. – Б. 24-32.

3. Злоцкий Г.В. О психолого-педагогической и методико-математической подготовке студентов математиков университетов к профессионально-педагогической деятельности // Таълим муаммолари. – Тошкент: 2000. – №2. – С. 28-30.

4. Қахарова Д.С. Тарбияда индивидуал ёндошишнинг психологик имкониятлари. // Назарий ва амалий психологиянинг илмий масалалари, уларни таълим-тарбия жараёнидаги ўрни мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро: 2009. – 133-136-б.

5. Қувондиқов О., Эшмирзаев М. Физика ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндошув усулининг самарадорлиги. // “Физика, математика ва информатика” журнали. – Тошкент: 2008. -№1., – 80-83 б.

6. Смыковская Т.К. Технология проектирования методической системы учителя математики и информатики: Монография. – Волгоград: Бланк, 2000. – 250 с.